

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВ ШОКИРЖОН БОТИРОВИЧ

**МЕТАНИИ КАТАЛИТИК ОКСИКОНДЕНСАТЛАБ
ЭТИЛЕН ОЛИШ ВА УНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахматов Шокиржон Ботирович

Метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олиш

ва унинг технологияси3

Рахматов Шокиржон Ботирович

Получение этилена каталитическим оксиконденсированием

метана и его технология.....21

Rahmatov Shokirjon Botirovich

Production of ethylene by catalytic oxicondensation

of methane and its technology.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВ ШОКИРЖОН БОТИРОВИЧ

**МЕТАНИИ КАТАЛИТИК ОКСИКОНДЕНСАТЛАБ
ЭТИЛЕН ОЛИШ ВА УНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1925 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида ба­жарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, англиз (резюме)) Илмий кенга­шнинг веб-саҳифасида (www.tktiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порта­лида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Файзуллаев Нормурот Ибодул­лаевич
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Холиқов Турсунали Су­юнович
кимё фанлари доктори, доцент

Тўраев Эркин Рустамович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

«O'zlitineftgaz» АЖ.

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 рақамли Илмий кенга­шнинг 2021 йил «20» НОЯ соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ п/б Шуробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№11 рақами билан рўйхатга олинган Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «19» НОЯбр куни тарқатилди.

(2021 йил «19» НОЯ даги 11 рақамли реестр баённомаси).



Джалилов А.Т.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., проф., академик

Ширинов Ш.Д.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф. PhD

Бекназаров Х.С.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа докторлик диссертацияси аннотацияси(PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича этиленга нисбатан йиллик эҳтиёж 187 млн тоннани ташкил этади ва бу талаб йилига 4,5% га ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда тахминан 5% табиий газ қимматбаҳо маҳсулотлар олишда, қолган қисми ёқилғи сифатида ишлатилмоқда. Этилен нефт ва газ кимёсининг муҳим маҳсулоти бўлиб, полиэтилен, поливинилхлорид, полистирол, алкилбензоллар, этиленоксид ва бошқалар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Этилен ишлаб чиқаришнинг ҳозирги вақтдаги энг истиқболли усули метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёни бўлиб, юқори фаоллик ва унумдорликка эга бўлган барқарор катализатор яратилмаганлиги сабабли саноатга жорий этилган эмас. Шунинг учун табиий газдан этиленни максимал унум билан олиш мақсадида юқори унумдорликка эга бўлган катализаторлар танлаш ҳамда энергия ва ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда чиқиндисиз ёки кам чиқиндилли, энергия ва ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқишда селектив, юқори фаолликка эга бўлган катализаторларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада бир вақтнинг ўзида иссиқлик ресурслари (нефть, тошқўмир, табиий газлар)ни - кимёвий синтез маҳсулотлари олишда ҳам хомашё, ҳам энергия манбаи сифатида комплекс ишлатишни таъминловчи технологиялар яратиш, коксланишни камайтириши билан характерланадиган катализаторнинг мақбул таркиби ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларига катализатор таркибининг таъсирини аниқлаш; катализаторларнинг фаолсизланишга нисбатан барқарорлиги, кокс ҳосил бўлиш жараёнининг кинетикаси, регенерация қилиш ва катализаторнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш; каталитик мембранали реакторнинг мақбул технологик параметрларини аниқлаш ҳамда жараёнларнинг энергия ва ресурстежамкор кам чиқиндилли технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда саноатнинг турли соҳаларида бўлгани каби табиий газни қайта ишлашда ҳам хомашё базасини маҳаллийлаштириш ва улар асосида импортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, табиий газдан этилен ишлаб чиқариш жараёнининг технологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” бўйича Фармони

хамда ишчи параметрларини моделлаштириш ва мақбуллаштириш, яратилган экологик хавфсиз, энергия ва ресурстежамкор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV.«Кимё, кимёвий технологиянинг назарий асослари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метанни каталитик оксиконденсатлаб C_2 -углеводородлар олиш, катализаторларнинг самарадорлигини ошириш, этилен ишлаб чиқаришнинг истиқболлари, этилен ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича Миначев Х.М, Синев М.Ю, Крылов О.В, Дедов А.Г, Меньшиков В.А., Н.Я.Усачев, С.И.Галанов,. Курина Л.Н., Сидиров О.И., Смирнов М.Ю., Махлин В.А., Jong Y.L, Дорогочинский А.З, Guisnet M, Olah G.A, Бондаренко Т.Н., Капустин М.А, Локтев А.С, Туробжонов С.М. Файзуллаев Н.И лар каби олимларнинг мактабларида мақсадли илмий изланишлар даврий равишда олиб борилган.

Бугунги кунда метанни каталитик оксиконденсатлаш реакцияси учун юқори унумдорликка, селективликка ва фаолликка эга бўлган катализаторлар яратилган. Аммо ушбу жараёнлар учун ишлатилаётган катализаторларнинг барқарорлиги жуда кичик. Ҳозирги вақтда нефт ва табиий газни кимёвий қайта ишлаб альтернатив суюқ ёқилғиларга айлантириш ва у асосида экологик тоза мотор ёқилғиларини олиш жараёни жадал ривожланмоқда. Гетероген катализаторларда мавжуд технологиялар учун юқори энергетика ва хомашё сарфлаш қайд этилган жараёнларни амалга оширишнинг янги усуллари излашни тақозо этмоқда.

Метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёни бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамасдан юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган, барқарорлиги юқори, турғун, мустаҳкам, арзон ва фаол, коксланишни камайтирадиган катализатор яратилмаган. Шу билан бирга каталитик қурилманинг ишчи параметрларини маҳсулотларнинг

максимал унуми бўйича мақбуллаштириш, жараёнларнинг технологик параметрларини ва реакторларни моделлаштириш, энергия ва ресурстежамкор, чиқиндисиз технологиялар яратиш ҳамда саноатга жорий этиш ханузгача долзарблигича қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг (№ 01910052214) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-А12-46 «Маҳаллий хомашёлар асосида метанни оксиконденсатлаш реакцияси учун катализаторлар яратиш, тадқиқ этиш ва жараённи мақбуллаштириш» (2017-2018 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метанни оксиконденсатлаш жараёнининг самарадорлигини ошириш ва метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олишнинг энергия ва ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори фаоллиги, термик барқарорлиги, унумдорлиги, селективлиги ва коксланишни камайтириши билан характерланадиган катализаторнинг мақбул таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда метанни каталитик оксиконденсатлаш реакцияси маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларига катализатор таркибининг таъсирини ўрганиш;

катализаторларнинг фаолсизланишга нисбатан барқарорлигини текшириш ҳамда кокс ҳосил бўлиш жараёнининг кинетикасини ўрганиш асосида уларни регенерация қилиш муаммосини ҳал этиш ва катализаторнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

яратилган катализатор иштирокида жараёнларнинг кинетикасини ўрганиш асосида реакциянинг кинетик моделларини танлаш ва бориш механизмларини таклиф этиш;

метанни оксиконденсатлаш жараёни учун каталитик мембранали реакторнинг математик моделини яратиш ҳамда метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёнини амалга ошириш учун жараённинг мақбул технологик параметрларини аниқлаш;

этилен олиш жараёнини ва катализаторни ярим-саноат қурилмасида синовдан ўтказиш ҳамда жараёнларнинг энергия ва ресурстежамкор кам чиқиндиларига технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида табиий газ, ҳаво, бентонит, этилен олинган.

Тадқиқотнинг предмети метанни каталитик оксиконденсатлаш реакцияси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда физик-кимёвий, газ хроматографияси, сканирловчи электрон микроскопия, ИҚ-спектроскопия, рентгенфазовий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёни учун янги таркибдаги юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган, коксланишни камайтириши билан характерланадиган $(\text{Mn}_2\text{O}_3)_x \cdot (\text{Na}_2\text{MoO}_4)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли катализатор яратилган;

дифференциал реактор шароитида қайд этилган реакциянинг кинетик қонуниятлари (дастлабки моддаларнинг ўзгариш тезлиги, реакциянинг кинетик модели, конверсия тезлигига ва жараённинг мақбул режимини танлашга турли омилларнинг таъсири) асосида жараён боришининг мақбул шароити аниқланган;

мембранали реакторнинг ишчи параметрларини мақбуллаштириш асосида метанни оксиконденсатлаш жараёни учун самарали технология ва қурилмалар билан жиҳозлашнинг физик-кимёвий асослари яратилган;

метанни оксиконденсатлаш реакциясининг бориш механизмлари асосида жараёнларни ифодаладиган кинетик тенгламалар танланиб, жараённи мембранали адиабатик қурилмада ўтказиш самарали эканлиги исботланган;

метандан этилен синтезининг оптимал технологик параметрлари аниқланган ҳамда ушбу жараён ва катализатор «Навоийазот» АЖ да ярим-саноат қурилмасида синовдан ўтказилиб, олинган натижалар асосида метандан этилен олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

реакция боришининг мақбул шароитлари маҳсулот унуми бўйича танланган;

илк бор метандан C_2 - углеводородлар синтези унумини оширишга имкон берувчи шароитлар, юқори танлаб таъсир этувчи ва иш қобилияти юқори бўлган катализатор таркиби ишлаб чиқилган;

метанни каталитик оксиконденсатлаш жараёнини амалга ошириш учун самарадорлиги юқори бўлган технология ва қурилмалар билан жиҳозлашнинг физик-кимёвий асослари ҳамда мембранали реакторнинг математик модели ишлаб чиқилган;

танланган мақбул катализатор иштирокида қайд этилган жараён илмий асосланган, реакцияни ўтказишнинг мембранали реактори математик моделлаштирилган ҳамда жараёнларнинг энергия ва ресурстежамкор, кам чиқиндилли технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги яратилган катализаторларни ва олинган маҳсулотларни таҳлил қилишда рентгенфазоли, кинетик, газ хроматографик тадқиқот усулларида ишлатилган асбоб-ускуналарнинг замонавийлиги, экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган методикаларнинг қўлланилиши ҳамда назарий ва экспериментал натижаларнинг ўзаро мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқорида қайд этилган жараённинг кинетикаси аниқланганлиги, реакциянинг бориш механизмлари ҳамда

жараённинг такомиллаштирилган технологик схемалари таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти катализаторнинг зич қатламида мембранали қурилманинг ишчи параметрларини мақбуллаштириш, масса ташишнинг физик-кимёвий моделини экспериментал асослаш, жараёнларнинг турли шароитларда ўтишида унуми, конверсияни ва селективликни ҳисоблашга имкон берадиган математик модел яратиш ҳамда ишлаб чиқариш реакторини моделлаштириш ва кам чиқиндили технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олиш ва унинг технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олиш жараёни «Навоиазот» АЖда амалиётга жорий қилинган («Навоиазот» АЖнинг 2020 йил 21 августдаги 5860-сон маълумотномаси). Натижада, метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олишнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш имконини берган;

метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олиш жараёни учун юқори каталитик фаолликка эга бўлган янги таркибли катализаторларни ишлаб чиқиш технологияси «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖда амалиётга жорий қилинган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖнинг 2020 йил 15 июлдаги 855/GK-07-сон маълумотномаси). Натижада, $(Mn_2O_3)_x \cdot (Na_2MoO_4)_y \cdot (ZrO_2)_z$ таркибли катализаторидан этилен синтезида импорт ўрнини босувчи маҳаллий катализатор сифатида қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 18 та, жумладан 4 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот давомида олинган натижаларни амалиётга

жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Метанни этиленга қайта ишлашнинг асосий йўналиши**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Катализаторларнинг олиш усуллари ва уларнинг қўлланилиш истикболлари**» деб номланган иккинчи бобида метанни каталитик оксиконденсатлаш реакциясининг кинетик қонуниятларини ўрганишнинг тажриба қурилмаси, тажрибани ўтказиш ва реакция маҳсулотларини таҳлил қилиш методикаси ёритилган. Катализатор синтези бўйича тадқиқотлар берилган. Катализаторнинг характеристикалари физик-кимёвий усулларда ўрганилган. Реакция маҳсулотлари унуми ва таркиби газ-суюқлик хроматографияси усулида аниқланган.

Исталган нефткимёвий гетероген-каталитик жараённинг самарадорлиги биринчи навбатда катализаторнинг фаоллиги, селективлиги ва барқарорлиги билан белгиланади. Катализаторни ишлатиш даврида қайд этилган характеристикаларнинг ёмонлашуви кузатилади. Ушбу кўрсаткичларнинг ёмонлашувининг асосий сабаби катализаторнинг фаол сиртида кокс ҳосил бўлишидир. Кокс ҳосил бўлиши 1-расмдаги схема бўйича боради.



1-расм. Метанни оксиконденсатлаш жараёнида кокс ҳосил бўлиш схемаси

Ишлатилмаган катализаторнинг (2-расм.) ранги оч кулранг, ишлатилгани (коксланган)-қора рангли ишлов берилгани (регенерация қилингани) оч сариқ рангли эканлиги расмдан кўриниб турибди. Коксни йўқотиш натижасида катализаторнинг каталитик хоссалари тикланади. Бунинг учун кенг тарқалган усул оксидланишли регенерациялашдир.

Коксланган катализаторларни уларнинг фаоллиги ва селективлигини тиклаш учун регенерация қилиш технологик жараёнларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Коксланган катализаторларни оксидланишли регенерация қилиш кучли экзотермик жараёндир. Катализаторнинг ортиқча қизиби кетиши

қайтмас каталитик фаолликнинг йўқолишига олиб келиши мумкин: ғовак структураларнинг яхлитланиши, кристалланиш ва рекристалланиш, шунингдек фаол компонентларнинг чиқиб кетиши. Бу ҳолда катализаторнинг максимал ҳарорати унинг таркиби ва структурасига боғлиқ ҳолда аниқланади.





a) Ишлатилмаган; b) Кокслангандан кейин ва регенерация қилинган; c) Коксланган

2-расм. Катализаторларнинг фотосуратлари

Коксланган катализаторнинг характеристикалари. Маълумки, метанни оксиконденсатлаш реакциясида $\text{CH}_x (1 \geq x \geq 0)$ таркибли кокс чўкиндиси ҳосил бўлиши ҳисобига катализаторнинг фаоллиги ва унумдорлиги камаяди. Катализаторнинг фаоллигини тиклаш учун оксидланишли регенерация ишлатилади.

Катализаторнинг фаолсизланиши қайтар (кокс чўкиндиси ҳосил бўлади) ва қайтмас (фаол компонентнинг фазовий ўзгариши, катализатор фаол марказларининг иссиқлик таъсирида ёпишиб қолиши, бузилиш, захарланиш ва бошқалар) бўлади. Қайтар фаолсизланишда катализаторнинг дастлабки фаоллигини қисман ёки тўлиқ тиклаш мумкин.

Кокс билан кислород орасида қуйидаги реакциялар бориши мумкин:



Кокс чўкиндисининг тахминий таркиби юқорида қайд этилганидек CH_x формулага тўғри келади. Бунда $x = 0 \div 1$ кокснинг ёниши қуйидаги йиғинди реакция билан ифодаланади:




Коксланган катализатор намунали реакторга жойлаштирилди ва инерт газ-аргон билан (аргоннинг ҳажмий тезлиги 500 соат^{-1}) 650°C да 20 минут давомида ювилди. Шундан сўнг кислороднинг ҳажмий улушини аста-секин

ошириб бориб, катализаторга инерт газ ва кислород аралашмасида 650°C да кимёвий ишлов берилди. 2,5 соат давомида регенерацион аралашмада кислороднинг концентрацияси 25% гача етказилди. Шу ҳолатда яна кимёвий ишлов бериш 1,5 соат давом эттирилди. Кейин ҳарорат 3 соат давомида 750°C гача ошириб борилди ва ҳаво оқимининг тезлиги 500 соат^{-1} бўлган шароитда кимёвий ишлов берилди. Катализаторни регенерация қилиш цикли тугаганидан сўнг ҳажмий тезлиги 500 соат^{-1} бўлган аргон атмосферасида 750°C да катализатор ювилди ва аргон оқимида ювилди.

Катализаторларни оксидланишли қайта ишлаш ҳарорат диапазони $200-1200^{\circ}\text{C}$ ни, ҳавода қиздириш тезлиги $10^{\circ}\text{C}/\text{мин}$ ни ташкил этди.

Ажралиб чиққан кокс миқдори термогравиметрия ва дифференциал термик таҳлил усуллари биргаликда қўллаб $50-850^{\circ}\text{C}$ оралиғида ўрганилди. Ҳароратни ўлчашда абсолют хато $\pm 5^{\circ}\text{C}$ ва масса ўлчашда эса $\pm 0,5\%$ ни ташкил этди.



3-расм. Регенерация қилинган катализатор намунасининг ИҚ-спектри

ИҚ-спектроскопик текширишлар ўтказиш учун коксланган катализатордан 10 г олиб устига 25 мл хлороформ солинди. 2 соатдан сўнг ҳосил бўлган экстракт пластинкага қўйилди ва хлороформ буғлангандан сўнг ИҚ-Фурье спектрофотометрга жойлаштирилди. Кейин $600\div 4000\text{ см}^{-1}$ тўлқин узунлиги диапазонида хона ҳароратида 1 соат давомида спектрлар ёзиб олинди.

Регенерация қилинган катализатор намунасининг ИҚ-спектри кокс миқдорининг камайганлигини тасдиқлайди.

Берилган катализатор учун ИҚ-спектрларда 1800 см^{-1} ва 1200 см^{-1} соҳалар оралиғи муҳим бўлиб, бунда бирикмаларнинг ютилиш полосалари пасаяди. Расмдан кўришиб турибдики, 1500 см^{-1} соҳада ютилиш полосалари (чизиқлари) га эга бўлган фаолсизлантирувчи бирикмалар кўпроқ тўла


йўқотилади. Бундан 1600 см^{-1} ва 1380 см^{-1} ютилиш чизиқларига кутбли ёки ноорганик моддалар тўғри келишини тахмин қилиш мумкин.

Катализаторнинг регенерацияси. Кислороднинг коксинг турли хил бошланғич концентрацияларида олинган экспериментал боғлиқликларни тавсифлаш учун идеал сиқиб чиқарувчи реакторнинг математик моделидан фойдаланилди:

$$\frac{\delta g}{\delta t} = -r(T, g, C_0)$$

$$\frac{\delta C_{O_2}}{\delta Z} = -B_m \cdot \tau \cdot r(T, g, C_0)$$

Турли температураларда реакция тезлик константасининг қийматини аниқлаш учун реактордан чиқишда карбонат ангидрид концентрацияси билан регенерация вақти орасидаги боғлиқлик $-\frac{1}{y} \ln\left(\frac{y_0}{y_1}\right) = k \cdot t + A$ тенглама координаталари чизиқли шакллантирилди. Натижалар қуйидаги расмда келтирилган.



4-расм. 800°C да 240соат (А), 480 соат (В), 720 соат (С), 960 соат (Д) ишлагандан сўнг катализаторлар сиртининг микрофото сурати

Турли температураларда тезлик константаларини ҳисобланган қийматлари асосида коксинг ёниш реакциясининг активланиш энергияси аниқланди. Бунинг учун $2 + \ln(k)$ билан $1000/T$ орасидаги боғлиқлик графиги тузилди ва қиялик бурчаги тангенсининг қиймати асосида фаолланиш энергияси аниқланди. Олинган натижалар асосида кокс ёниш реакциясининг фаолланиш энергияси $75,8 \pm 5 \text{ кж/моль}$ эканлиги исботланди.

4-расмда 800°C да турли вақт қийматларида ишлатилгандан кейинги $(\text{Na}_2\text{MoO}_4)_x \cdot (\text{Mn}_2\text{O}_3)_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ таркибли коксланган катализаторнинг микрофотосурати келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики ишлаш

даврининг ортиши билан катализаторнинг сизтида тўпланадиган графит ўсиқчаларининг миқдори ва уларнинг ҳажми анча ортади.

Диссертациянинг «Гажриба натижалари ва уларнинг муҳокамаси» деб номланган учинчи бобида жараёнларнинг кинетик қонуниятлари ўрганилган ва кинетик моделлар ишлаб чиқилган.

Катализаторлар фаоллиги бўйича олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


Каталитик системаларнинг хоссаларини таққослаш.

($P_{umum}=0.1MPa$, $P_{metan}=0.033MPa$, $P_{kislorod}=0.014MPa$, $T=750^{\circ}C$, $W_{umum}=1000\text{ soat}^{-1}$)

№	Katalizator	CH ₄ konversiyas i, %	C ₂ -UVlar selektivligi, %	C ₂ -UVlar unumi, %
1	(Mn ₂ O ₃) _x ·(Na ₂ MoO ₄) _y ·(ZrO ₂) _z	56.8	62.3	35.4
2	11%NaCl-27%MnO _x /SiO ₂	62,4	42.6	26.6
3	4%NaCl-10%MnO _x /SiO ₂	47,4	46,0	21,8
4	(Mn ₂ O ₃) _x ·(KCl) _y ·(ZrO ₂) _z	52.3	59.1	30.9

Ушбу ишда №:1-№:4 катализаторларининг каталитик ва физик-кимёвий хоссалари таққосланди. 5-расмда ҳароратга боғлиқ ҳолда параллел ўтказилган экспериментлар асосида Na-Zr-Mo-Mn/ЮКЦ таркибли катализатор иштирокида этиленнинг унуми қандай ўзгариши кўрсатилган.


C₂-УВлар унуми



5-расм. Метанни оксиконденсатлаш реакциясида C₂-углеводородлар унумига ҳароратнинг таъсири


5-расмдан кўриниб турибдики, №2 ва №4 катализаторлар иштирокида ҳарорат кўтарилиши билан C₂-углеводородлар унуми ортди. Ҳажмий тезликнинг $W = 1000\text{ soat}^{-1}$ қийматида CH₄/O₂ = 2,5 нисбатда бўлганда №1 ва №4 катализаторлар яхши каталитик фаоллик намён этади. Этиленнинг

унуми 35-38% га ортди. Бунда №1 катализаторда бошқаларга қараганда этиленнинг унуми юқори бўлди.



6-расм. №1 ва №4 катализаторлар иштирокида С₂-углеводородлар унумига ҳароратнинг таъсири.


6-расмдан кўриниб турибдики, ҳажмий тезликнинг $W=1500\text{ соат}^{-1}$ қийматида этиленнинг унуми деярли бир хил бўлиб, 750°C да 30% ни ташкил этади.



7-расм. №1 (1) ва №4 (2) катализаторлар иштирокида метан конверсиясининг ҳароратга боғлиқлиги.

7-расмдан, бошланғич хомашёнинг оқим тезлигининг кичик қийматида №1 катализатор №4 га нисбатан фаолроқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Дастлабки кислород концентрациясининг реакция маҳсулотидagi этилен концентрациясига таъсири. Метанни оксиконденсатлаш реакциясида этиленнинг реакция маҳсулотларидаги концентрацияси дастлабки кислород концентрациясига боғлиқ. Бу боғлиқлик этиленнинг максимал унумдорлиги-га бошланғич кислород концентрациясининг тахминан 36-37 % даражасида эришилади (8-расм).




8-расм. Реакция маҳсулотларида этилен концентрациясининг ўзгариши

Метанни газ фазали оксиконденсатлаш реакцияси натижаларига диффузия омиллари катта таъсир кўрсатади.

Жараён тезлигининг ошиши реакцияга киришмаган кислород миқдорининг пасайишига ва конденсат маҳсулотларининг селективлигининг ошишига олиб келади. Метанни оксиконденсатлаш жараёнида метил радикалларининг қайта ҳосил бўлиш реакциялари билан боғлиқ бўлган ҳаракат чекловларини йўқ қилиш мумкин эмас, бу уларнинг юқори реактивлиги билан боғлиқ.


Кислороднинг конверсия даражаси деярли контакт вақтига боғлиқ эмас, шунинг учун газ аралашмаси тезлигининг ўрганилган қийматлари оралиғида кислороднинг конверсия даражаси 98-99% ни ташкил қилади. Буни 9-расмдан кўриш мумкин.



9-расм. Газ оқимининг тезлиги билан кислород конверсияси орасидаги боғлиқлик

Диссертациянинг «Метанни оксиконденсатлаб этилен олиш технологияси» деб номланган тўртинчи бобида метанни оксиконденсатлаб этилен олиш технологиялари ёритилган.

Метанни оксиконденсатлаб этилен олишнинг янги каталитик реактори. Метанни оксиконденсатлаб этилен олишнинг таклиф этилаётган янги каталитик реактори керамик тагликка ўтқазилган зич металл мембрана билан қопланган бўлади. Улар қуйидагича тузилган: ички найчали қисмдан водородни чиқариш ва ташқаридан кислородни киритиш учун мўлжалланган ташқи қисмдан иборат.




10-расм. Таклиф этилаётган каталитик реактор

Метанни каталитик оксиконденсатлашда мембранали реактор ички қисмига метан юборилади. Метанни каталитик оксиконденсатлашда мембранали реактор ички қисми катализатор заррачаларига солинган бўлиб, унда метаннинг оксиконденсатланиши ва реакция натижасида ҳосил бўлган этаннинг этиленгача оксидланиш реакцияси боради. Этаннинг этиленгача оксидланиш реакцияси натижасида ажралиб чиққан водород $\text{Ba}_{0.8}\text{Sr}_{0.2}\text{Co}_{0.8}\text{Fe}_{0.2}\text{O}_{3-d}$ таркибли мембрана орқали реакторнинг ташқи қисмига чиқарилади. Реакторнинг ташқи қисмида водородни сувгача оксидлаш учун оксидловчи катализатор жойлаштирилган. Ғовакли тагликка ўтқазилган зич қават материали сифатида $\text{Ba}_{0.8}\text{Sr}_{0.2}\text{Co}_{0.8}\text{Fe}_{0.2}\text{O}_{3-d}$ перовскити танлаб олинди. Зич қават $\text{Ba}_{0.8}\text{Sr}_{0.2}\text{Co}_{0.8}\text{Fe}_{0.2}\text{O}_{3-d}$ материалнинг қалинлиги 6 мкм ни ташкил қилди. Ғовакли қаватнинг қалинлиги 1,1 мм. Мазкур металл мембрана учун ўтказувчанлик константаси тажриба йўли орқали аниқланди ва $J = 45 \text{ см}^3(\text{НТД})/\text{см}^2\text{с}$ ни ташкил қилди. Мембрананинг вазифаси реакторда ҳосил бўлган водородни чиқариш ва реакцион муҳитга кислородни киритишдан иборат. Катализатор фаол марказидаги сарфланган кислород мембрана орқали кирган кислород ҳисобига регенерация қилиб турилади.


Ғовакли мембранага эга реактор газли оқимлар ҳаракати ўхшаш (11-расм). Мембранали реактордан водород реакторнинг ташқи қисмидан инерт газ (азот, аргон, гелий) оқими ёрдамида, реакция натижасида ажралаётган водородни оксидламасдан чиқарилади. Ҳайдовчи газ таркибида кислороднинг йўқлигига сабаб: биринчидан, ғовакли мембраналар

оқимларнинг анча юқори тезликларини намоён этади, шунга мувофик мембрана орқали водороднинг ҳаракатланиш тезлигини ошириш зарурати йўқ. Иккинчидан, ғовакли $Ba_{0.8}Sr_{0.2}Co_{0.8}Fe_{0.2}O_{3-d}$ таркибли мембрана реагентларнинг реакторнинг ички қисмидан ташқи қисмига ўтишини инкор этмайди. Яъни метан, этан, ис гази ва водороднинг кислород билан ўзаро таъсирлашиши эҳтимоли мавжуд.



11- расм. Этанни этиленгача оксидлаш реактори.

Этилен органик синтезда вилацетат, винилхлорид каби кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим нефть-кимёвий хомашёлардан бири ҳисобланади.



1-метанни оксиконденсатлаш реактори, 2-иссиқлик алмашинувчи қурилма, 3-иссиқлик алмашинувчи қурилма (бунда газлар аралашмаси – 30⁰С гача совутилади), 4-реакцион газ компрессори, 5- этаноламинли тозалаш бўғини, 6- ишқорли ювиш бўғини, (этилен ва пропиленли совуқ цикл ёрдамида -100⁰С гача совутилади ва қурилади), 7-турбодетандер; 8- куйи ҳароратли ректификация колоннаси (этан-этилен фракцияларини ажратиш); 9- куйи ҳароратли ректификация колоннаси (этилен-хом ашёни ажратиш); 10- куйи ҳароратли ректификацион колоннаси (метанни ажратиш); 11- “газ-газ” рекуператив иссиқлик алмашинувчи қурилма.

12-расм. Метандан этилен олишнинг энергия ва ресурстежамкор технологияси

Этиленнинг катта қисми асосан нефть крекинги натижасида олинади. Нефть нархининг доимий ўсиши ва нефть захираларининг камайиб бориши уни олишнинг янги усуллари излашни тақозо қилади. Этилен олиш учун метанни оксиконденсатлаш жараёнидан фойдаланиш имконияти, маҳсулотнинг юқори унумларда олишга имкон бермайди. Чунки мувозанат термодинамик жиҳатдан чекланган. Метанни оксиконденсатлаб этиленни юқори унумларда олиш учун жараённи биз таклиф этган реакторда ўтказиш маҳсулот унумини ошириш имконини беради.

Олинган экспериментал маълумотлар ва яратилган технологик схемага асосланиб, хом-ашёга нисбатан ҳаражатлар коэффиценти ва энергия воситалари метанни оксиконденсатлаб этилен олиш жараёни учун ҳисобланди:

1 тонна этиленга сарфлашлар: метан-3,05 т, кислород-4,07 т, иссиқлик энергияси-0,866 Гкал. Қўшимча маҳсулот: иссиқлик энергия – 26,9 Гкал, ёқилғи га-0,9 т, CO_2 -0,65 т.

Табиий газ-бу арзон фойдали хом ашё бўлиб, унинг захираси дунё бўйича тахминан 201,139 трлн м^3 ни ташкил этади. Табиий газнинг асосий компоненти-метан бўлиб, С – Н боғининг юқори мустаҳкамлиги (пухталиги) сабабли кимёвий фаоллиги кам бўлган бирикма. С – Н боғининг пухталиги уни қайта ишлаб, қимматбаҳо маҳсулотлар олиш жараёнини қийинлаштиради. Шундай қилиб, бугунги кунда табиий газни қимматроқ бирикмалар олиш учун хом ашё сифатида ишлатиш долзарб масаладир.

Метанни оксиконденсатлаш реакциясида метан тўлиқ реакцияга киришмайди ва беҳуда исроф бўлади. Шунинг учун рециркуляцион курилма талаб этилади. Метаннинг маълум қисми оксиконденсатлаш реакциясига киришиб, қолган қисми реакция маҳсулотлари билан бирга реактордан чиқади. Бизнинг фикримизга кўра метанни реакция маҳсулотларидан ажратиб олиб, яна қайтадан метанни оксиконденсатлаш реакторига юбориш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар бир схемада адсорбция бўғини ректификация бўғини билан бирлаштирилган бўлиб, бу бўғинлар реакция маҳсулотларини ажратиш учун муҳимдир. Бу жараён кам эксплуатацион ҳаражат талаб қилади. Сув сеператорда ажратилади ва қолган маҳсулотлар 20°C гача совутилади. Углерод оксидлари моноэтаноламин адсорберида йўқотилади. Реакция натижасида ажралиб чиқаётган иссиқлик электроэнергия олиш учун сарфланади.

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари асосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Метанни оксиконденсатлаб этилен олиш учун термик барқарор, юқори фаоллик, селективлик ва унумдорликка эга бўлган $[(Mn_2O_3)_x \cdot (Na_2MoO_4)_y \cdot (ZrO_2)_z]$ таркибли катализаторнинг мақбул таркиби ва олиш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда метанни каталитик оксиконденсатлаш реакцияси маҳсулотларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига катализатор таркибининг таъсири аниқланган.

2. Катализаторнинг фаолсизланишга нисбатан барқарорлиги текширилди ҳамда кокс ҳосил бўлиш жараёнининг кинетикасини ўрганиш асосида катализаторни регенерация қилиш муаммосини ҳал этилди ва катализаторнинг физик-кимёвий хоссалари текширилди.

3. Дифференциал реактор шароитида қайд этилган реакциянинг кинетик қонуниятлари ва жараён боришининг мақбул шароитлари аниқланган ҳамда метанни оксиконденсатлаш реакциясининг бориш механизмлари таклиф этилган.

4. Мембранали реакторнинг ишчи параметрларини мақбуллаштириш асосида метанни оксиконденсатлаш жараёни учун самарали технология ва қурилмалар билан жиҳозлашнинг физик-кимёвий асослари ишлаб чиқилган ҳамда реакция жараёнини мембранали адиабатик қурилмада ўтказиш самарали эканлиги исботланди.

5. Метандан этилен синтезининг технологик параметрлари аниқланган ҳамда ушбу жараён ва катализатор «Навоийазот» АЖда ярим-саноат қурилмасида синовдан ўтказилиб, олинган натижалар асосида метандан этилен олишнинг энергия ва ресурстежамкор кам чиқиндили технологияси ишлаб чиқилган.

6. Метанни каталитик оксиконденсатлаб этилен олиш ва унинг технологиясини ишлаб чиқиш “НАВОИАЗОТ” АЖ да ва Муборак газни қайта ишлаш заводида синовдан ўтказилган ва амалиётга жорий қилинган Иқтисодий самарадорлик 1 тонна маҳсулот учун 101900716 сўмни ташкил этиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАХМАТОВ ШОКИРЖОН БОТИРОВИЧ

**ПОЛУЧЕНИЕ ЭТИЛЕНА КАТАЛИТИЧЕСКИМ
ОКСИКОНДЕНСИРОВАНИЕМ МЕТАНА И ЕГО
ТЕХНОЛОГИЯ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/T1925

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tktiti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net/uz

Научный руководитель: **Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич**
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Холиков Турсунали Суюнович**
доктор химических наук, доцент

Тўраев Эркин Рустамович
доктор технических наук

Ведущая организация: **«O'zlitineftgaz» АО**

Защита диссертации состоится «30» НОЯ 2021 г. в «9⁰⁰» часов на заседании Ученого совета **DSc.16/30.12.2019.T.87.01** при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский район, п/о Шурабазар. Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 11, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, п/о Шурабазар, Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «19» 11 2021 года.

(протокол рассылки № 11 от «19» 11 2021 г.).



А.Т. Джалилов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., проф., академик

Ш.Д. Ширинов
*Членский секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD тех.

Х.С. Бекназаров
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н. проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. На сегодняшний день в мире годовая потребность в этилене составляет 187 миллионов тонн, и данный показатель растёт на 4,5% в год. В настоящее время около 5% природного газа используется в производстве ценных продуктов, остальное используется в качестве топлива. Этилен является важным продуктом нефтегазохимии, так как используется в производстве полиэтилена, поливинилхлорида, полистирола, алкилбензолов, окиси этилена и других веществ. Наиболее перспективным методом получения этилена в настоящее время является процесс каталитической оксиконденсации метана, который в настоящее время не внедрён в промышленность, так как на данный момент не был создан соответствующий стабильный катализатор с высокой активностью и эффективностью. В связи с этим в целях получения этилена из природного газа с максимальной продуктивностью, выбору высокоэффективных катализаторов и созданию энерго- и ресурсосберегающих технологий имеет важное значение.

В мире при разработке безотходных или малоотходных, энерго- и ресурсосберегающих технологий проводится исследования по созданию селективных и высокоактивных катализаторов. Создание технологий, позволяющих одновременно комплексно использовать тепловые ресурсы (нефть, уголь, природный газ) - и как сырьё, и как источник энергии при производстве продуктов химического синтеза; определение оптимального состава катализатора характеризующуюся понижением коксования и изучение влияние состава катализатора на показатели производства; изучение устойчивости катализаторов к инактивации, кинетики процесса коксования, регенерации и определения физико-химических свойств катализаторов; особое внимание уделяется определению оптимальных технологических параметров каталитического мембранного реактора и разработке энергоэффективной и ресурсосберегающей малоотходной технологии.

В последние годы, как и в других различных отраслях нашей Республики, в переработке природного газа большое внимание уделяется локализации сырьевой базы и производству на их основе импорт ориентированной продукции, благодаря чему достигаются конкретные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² указаны такие важные задачи, как «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». В связи с этим научные исследования, направленные на моделирование и оптимизацию технологических и рабочих

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 07.02.2017г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

параметров процесса производства этилена из природного газа, внедрение созданных экологически чистых, энерго- и ресурсосберегающих технологий являются важным.

Результаты диссертационного исследования в определённой степени служат выполнению задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 г. № ПП-3246 «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности», от 17 января 2018 г. № ПП-3479 «О мерах по устойчивому обеспечению отраслей экономики страны востребованной продукцией и сырьём» и от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности, а также других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Исследование проводилось в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики IV. «Химия, теоретические основы химической технологии и нанотехнологий».

Степень изученности проблемы. Целевые научные исследования по получению C_2 -углеводородов каталитическим оксиконденсированием метана, повышению эффективности катализаторов, перспективах производства этилена, организации производства этилена периодически проводились в школах таких ученых, как Миначев Х.М, Синев М.Ю, Крылов О.В, Дедов А.Г, Меньшиков В.А., Усачев Н.Я., Галанов С.И., Курина Л.Н., Сидиров О.И., Смирнов М.Ю., Махлин В.А., Jong Y.L, Дорогочинский А.З, Guisnet M, Olah G.A, Бондаренко Т.Н., Капустин М.А, Локтев А.С., Туробжонов С.М., Файзуллаев Н.И.

На сегодняшний день для реакции каталитической оксиконденсации метана разработаны катализаторы с высокой эффективностью, селективностью и активностью. Однако стабильность катализаторов, используемых для этих процессов, очень мала. В настоящее время активно развивается процесс химической переработки нефти и природного газа в альтернативные жидкие топлива и производства на его основе экологически чистых моторных топлив. Высокий расход энергии и сырья для существующих технологий в гетерогенных катализаторах требует поиска новых способов реализации этих процессов.

Несмотря на то что было проведено множество исследований каталитического процесса оксиконденсации метана, на данный момент не разработан катализатор, который имел бы высокую эффективность и селективность, высокую стабильность, являлся бы прочным, надежным, недорогим и активным, значительно снижающим коксование. При этом оптимизация рабочих параметров каталитического устройства для

достижения максимальной производительности продукта, моделирование технологических параметров процессов и реакторов, создание и внедрение в промышленность энерго- и ресурсосберегающих, безотходных технологий остаётся актуальной.

